

ISSN: 2545-0573

СПОРТЧИЛАРИНИ МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁРЛАШДА ТРЕНЕРНИНГ КРЕАТИВ ЁНДОШУВИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

А. А. Акмалов

Пед.фан. номоди, доцент Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

тренер, креативлик, инновация, касбий, методик, педагогик, технологик ёндошувлар

Аннотация

Тезисда тренернинг креатив ёндошуви - спортчи ва спорт жамоаларини мусобақаларга тайёрлашда юқори натижаларга эришиш самарадорликлари баён қилинган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Креативлик – тренер фаолиятида дуч келадиган муаммолар ечимига доир ҳуқуқий, меъёрий, методик ва назарий масалаларга интегратив ёндошув асосида таққослаш, текшириш ва тегишли коррекциялар киритиш асосида уларнинг муқобил (*альтернатив*) ечимларини излаш бўйича муайян ҳаракатлар зиддиятчилиги нисбатан янгича ғоя, усул, шакл яратиш ва уни ечимига интеллектуал ёндошувни ифодалайди.

Тренернинг креатив фаолияти - спортчиларни мусобақаларга тайёрлашда ўқув машғулот жараёнига инновация шакл, усул ғояларни ишлаб чиқишга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида коррекциялар киритишда иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.

(Коррекция – спортчининг ўқув машғулотлари жараёнида эмоционал ва жисмоний камчиликларни бартараф этиш ва тuzатишга йўналтирилган педагогик, методик тадбирлар мажмуи).

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб тамойиллари тўғрисида”ги 2021 йил 12 – октябрдаги ЎРҚ - 721 сонли Қонунида: “Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун малака сертификатига эга бўлган ҳамда ўқув - машқ, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишни, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун беллашув фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи жисмоний шахс” – деб эътироф этилди.

Тренернинг креатив ёндошуви - спортчиларини мусобақаларга тайёрлашдаги асосий компонентлари: касбий, педагогик, методик, технологик, инновация жараёнларни интенсив равишда ўзлаштирилиш ва такомиллаштиришга ижодий муносабатларидир. Креативликни тавсифи: тренер фикрининг равонлиги; фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши; оригиналлик; қизиқувчанлик; фаразлар яратиш қобилияти; фантазияси.

Креатив тестлар ёрдамида спортчининг қобилияти, лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш методикаларини яхши ўзлаштирган ва спорт таълими жараёнига татбиқ эта олиши, соҳаси бўйича ҳамкасбларини ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ижодий ўрганиши, амалиётида

қўллаш олиши. Соҳаси бўйича янги методик адабиётларни мустақил мутолааси орқали ҳаёти давомида билим, кўникма ва малакасини ошириб бориши. (*Креатив тестлар – (лотинча creato) – ижод қилиш, яратиш – спортчининг ижобий лаёқатини ўрганиш ва баҳолаш методикалари мажмуи*). Тренернинг креатив фаолиятида аниқ белгиланган мақсадга эришиши учун мавжуд қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш қобилияти сифатида, педагогик, методик, технологик ёндошувларни ижодий ҳал қилинишидир. Тренер - спортчини хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, хато, камчиликларига ташқаридан назар солиб англаб етиши ва таҳлил қила олиши, мустақил ўрганиб, тегишли коррекциялар киритишга қаратилган назарий фаолияти - рефлексиядир. (*Рефлексия лотинчадан “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиши*).

Тренер ва спортчининг рефлексив фаолияти - тафаккури моҳияти ва вазифалари, қадриятлари, қизиқишлари, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ҳамда рағбатлантирувчи омилларга ташқаридан назар солиб англаб етиши ва таҳлил қила олишидир. Рефлексив жараёнлар: Объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлексив таҳлили; шахслараро мулоқот маъносини тушуниш рефлексияси; ўзини ва бошқаларни тушуниш; ўзига ва бошқаларга баҳо бериш; ўзини ва бошқаларни фаолиятини изоҳли таҳлил қилиши.

Спортчиларини мусобақаларга тайёрлашда тренернинг рефлексив ёндошуви ўқув машғулотларини видеокамераларга олиши ва такрорий акс этишида ўз фикри, ҳаракатлари ва ҳолатларини таҳлил қилишда ташқаридан назар солиши, ўзининг назарий ва амалий фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни белгилаш ва таҳлил қилиб келгуси машғулотларида тегишли коррекциялар киритиши ҳисобланади. (*Рефлексия - тренернинг руҳий, жисмоний, методик ҳолатини билиши ва тушуниши, фикр юритиши ва уни таҳлил қилишга мойиллиги билан бир қаторда, бошқаларнинг шахсий хислатлари, ҳис қилиш туйғуси ва билиши (когнитив) тасаввурлари ҳамда таҳлилларини аниқлаб олишидир*).

Ўқув машғулоти, мусобақа жараёнларида руҳан ёки жисмонан толиққан спортчиларга эмоционал ҳамда жисмоний чарчоқлар, салбий психологик омиллар таъсири кучайган, катта ҳажмдаги жисмоний ҳаракатлар билан тўқнашиш рўй бераётган шароитда ёш спортчиларда эмоционал ва жисмоний толиқишларни бартараф этишга қаратилган тренернинг педагогик, психологик фаолияти “релаксация” муҳим аҳамият касб этади. (*Лотинча “relaxation” – қувватсизлик, заифлашиш, руҳан ёки жисмонан ҳолдан тойишни бартараф этиши*).

Спортчиларнинг эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини ҳамда ишчанлик қобилиятини қайта тиклаш релаксациядир. Релаксация спорт мусобақаси ва ўқув - машғулоти жараёнларида тренер томонидан ижобий таъсирчан муҳитининг ҳосил бўлишини таъминлайди. Улардан фойдаланиш вақтида спортчилар ташқи ва ички таъсирлардан ҳимояланган бўлиб, уларга фақатгина тренернинг ишонтирувчи далласини эшитиши, спортчини ғолибликка бўлган мотивациясини янада оширади. Релаксация жараёнида спортчилар тренернинг қўллаб-қувватлашларини ҳис этишлари, унинг меҳр-мухаббатидан баҳраманд бўлиб, ҳамдарлигини ҳис қилишлари спортчилардаги эмоционал зўриқиш, жисмоний толиқишларни бартараф этишда ижобий психологик муҳит юзага келади. Тренернинг касбий, методик фаолияти ва уни такомиллаштиришда интенсив ёндошув – унинг педагогик, методик маҳоратлари ва техникасини ҳамда касбий фаолиятни мотивациялар ҳисобига жадал суратларда амалга оширилишидир. Спортчининг маълум эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолиятга мойиллиги кўникмадир. Мотивация кўникма - спортчи мотивларининг йиғиндиси ва унинг ижодий, касбий соҳасига лаёқатлигининг энг муҳим белгиси. (*Мотивация кўникма – инсонни келгуси ҳаёти учун таълим, касб – ҳунар, билим олишга ундовчи ижобий сабаблар йиғиндиси*). Тренернинг технологик маҳорати – спортчининг ишончига кириш, юқори натижаларга эришишига ишонтира олишда, мустақил фикр юритиш кўникмасини ҳосил қилиши, калбига йўл

топа олишида коммуникатив мулоқоти. Спортчиларини мусобақаларга тайёрлаш жараёнига тренернинг креатив ёндошуви, спортчилар фаолиятининг пироворд натижасини башорат қила олиши, унинг стратегияси, тактикаси, технологиясини аввалдан режалаштириши ва ҳал этиши, спортчининг интеллектуал, жисмоний тайёргарликка шуғулланиши натижасидаги муваффақиятларини кафолатлайди. Спорт соҳасидаги инноватсион жараёнлар, ислоҳот талабларини тренер ўзлаштириб, спортчиларни мусобақаларга тайёрлашга креатив ёндошуви, машғулотларини сифат ва самарадорлиги жаҳон стандартлари даражасида ташкил эта олиши, спортчиларнинг ўқув машғулот ва мусобақа жараёнида фаол иштирокчи, мустақил фикрловчи бўлиб, юқори натижаларга эришишларини кафолатлайди.

Фойдаланилган манбаа ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб тамойиллари тўғрисида”ги 2021 йил 12 – октябрдаги ЎРҚ - 721 сонли Қонуни
2. Р.Х.Джураев ва б., Педагогик атамалар луғати., Т., “Фан”, 2008й. 195 б.
3. Р.Ишмухамедов,М.Юлдашев, Таълим ва тарбияда инноватсион педагогик технологиялар,Т.,2013й., “Нихол” нашриёти, 277б.
4. А.Акmalov, Sport malaka oshirish ta’limida innovatsion va interfaol texnologiyalar, Т.,2022у., “Umid Design”,72 б.